

Миср фатҳи



11:22 / 23.01.2025 2460

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Шомга келганларида Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Мисрнинг мавқеини, унинг Рум учун катта қувват эканлигини эслатиб, Ҳазрати Умардан уни фатҳ қилишга изн сўраган эди. Ўша вақтда Миср Румга қарам эди. Шунинг учун Рум тарафидан қўйилган ҳоким томонидан бошқарилар эди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ушбу таклифдан сал кейинроқ Амр ибн Осс розияллоҳу анҳуни Миср томон катта лашкар билан юбордилар. Ортидан Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бошчилигидаги мадад кучларини жўнатдилар.

Миср ҳукмдори Муқавқис юборган епископ ва Жослийқ, яъни насороларнинг Шомдаги каттаси уларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, уруш қилмоқчи бўлдилар.

Амр розияллоҳу анҳу уларга уч кун муҳлат беришни ва икковлари билан гаплашишни афзал кўрди. Сўнг уларни олдиларига чақиртириб, Исломи қабул қилишга ёки жазяга рози бўлишга даъват қилди. Яна уларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Биби Ҳожар ва Исмоил алайҳиссалом сабабидан Миср аҳлига яхшилик қилиш ҳақидаги васиятларини эслатди.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, сизлар Мисрни фатҳ қилурсизлар. У бир ерки, у Қийрот дейилур. Қачон уни фатҳ қилсангиз, аҳлига яхшилик қилинглар. Чунки улар учун зимма ва қариндошлик ёки зимма ва қудачилик бор», деган эдилар.

Улар бу гапларни эшитиб:

«Анбиёлардан бошқалар эриша олмайдиган узоқ қариндошлик ҳаққи, сенга қайтиб келгунимизча бизга омонлик бер», дедилар.

«Мен кабилар алданмаслар. Лекин назар солишингиз учун иккингига уч кун муҳлат бераман», деди у.

Улар зиёда қилишни сўрадилар. Амр яна бир кун қўшиб берди. Улар маслаҳат қилгани кетдилар.

Артабун уруш қилмоқчи бўлди ва уришиб енгилди. Амр турли шаҳарларни қамал қилиш учун лашкарлар юборди. Асосий кучлар Айнуш-шамс номли жойда турди. Маълум муддат қамалдан сўнг қарши тараф сулҳ сўради. Амр розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан маслаҳат қилиб, қуйидаги аҳдномани ёзиб берди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ушбу Амр ибн Осснинг Миср аҳлининг жонлари, моллари, миллатлари (динлари), черковлари, хочлари, қуруқликлари ва сувлари учун берган омонлигидир. Уларнинг мазкур нарсаларига бирор аралашув бўлмайди, камситилмайди ва улар билан нубийлар (ҳабшийлар) бирга яшамайди.

Миср аҳлига, агар улар ушбу сулҳга биноан жазя беришга келишсалар, дарёлари зиёда бўлиб турганда эллик минг дирҳам вожиб бўлур. Ўғрилари қилган жиноят ҳам уларнинг зиммасида бўлур.

Агар улардан кимлардир буни қабул қилишдан бош тортадиган бўлса, жизядан ўшаларнинг миқдорича камайтиради. Ким бош тортса, у бизнинг зиммамизда бўлмайди. Агар дарёлари тўлалик вақтидан озаядиган бўлса, улардан (олинадиган жизя) ўшанинг миқдорича камайтиради. Уларнинг сулҳига румликлардан ва нубийлардан ким кирса, унга ҳам уларга бўлган имтиёзлар ва мажбуриятлар бўлур. Ким бош тортиб, бошқа томонга кетишни ирода қилса ёки бизнинг султонимиздан чиқмоқчи бўлса, у ўз омонлик жойига етиб олгунича бизнинг омонликдадир. Уларга (мисрликларга) вожиб бўлган нарсанинг учдан бири ўшаларга ҳам вожиб бўлур.

Ушбу ёзилганларга Аллоҳнинг аҳди ва зиммаси, Унинг Расулининг зиммаси, мўминлар амирининг зиммаси ва мўминларнинг зиммаси бордир.

Ёрдам беришга рози бўлган нубийликларга жанг қилинмасликлари ва ички ва ташқи тижоратдан ман қилинмасликлари шарти ила бунча бош туя ва бунча от.

Зубайр ва унинг икки ўғли: Абдуллоҳ ва Муҳаммад гувоҳ бўлишди. Вурдон ёзди».

Ушбу ҳужжатдаги жизянинг ҳисобини қилган уламолар ҳар бошга йилига бир динорнинг ўндан бири тўғри келганини таъкидлайдилар.

Сўнгра мусулмонлар Амрнинг фустоти (чодири) атрофига ўз фустотларини ўрната бошладилар. Шу тариқа Қоҳиранинг ҳозиргача номи сақланиб келаётган Фустот номли ноҳияси пайдо бўлди.

Шундан сўнг Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Искандария томон юрди. Йўлдаги минтақаларда яшовчи қибтий ва румликлар унга қаршилиқ кўрсатдилар. Мусулмонлар уларнинг барчасини енгдилар. Амр розияллоҳу анҳу исқандарияликларга Миср сулҳи каби сулҳ таклиф қилди, бироқ улар кўнмадилар. Шунинг учун куч ишлатиб, фатҳ қилишга тўғри келди. Шундай бўлса ҳам, улар аҳли зимма деб ҳисоб қилиндилар. Аввалги урушлар вақтида румликлар қибтийларнинг кўп нарсаларини зўрлик билан тортиб олган эдилар. Қибтлар Амр розияллоҳу анҳуга арз қилиб, ўша қадимги ҳақларини олиб беришни сўрадилар. Амр розияллоҳу анҳу ҳужжат ва далил келтирганларнинг ҳақларини қайтариб олиб берди.

Миср ва Искандария фатҳ қилинган, румлар Қустантинияга кетдилар. Қибтлар ва уларнинг бошлиғи Муқавқис шартномага асосан яшаб қолдилар. Амр розияллоҳу анҳу Муқавқисга ўз қавмига бошлиқ бўлиши

учун шароит яратиб берди. Эҳтиёж туғилган пайтда мусулмонлар унга маслаҳат ҳам солиб турар эдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.